

## ТАДҚИҚОТЧИНИНГ ИЛМИЙ ИЖОДИДА ИНТУИТИВ-СИНЕРГЕТИК ТАФАККУРНИНГ ЎРНИ

*Надинова Зойира Паяновна*

*Ўзбекистон Миллий университети докторанти (DSc)*

*фалсафа фанлари номзоди, доцент*

**Аннотация:** Мақолада интуитив синергетик тафаккур, ижод, илмий ижод, интуиция ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари синергетик таҳлили ҳақида фикрлар ўрганилган. Қадимги юнон файласуф олимларидан Пифагор, Гераклит, Платоннинг мавзуга доир фикрлари, франсуз файласуфи Анри Бергсоннинг илмий қарашлари татбиқ этилган.

**Калит сўзлар:** илмий ижодий билим, интуитив синергетик тафаккур, илмий интуиция ва унинг тадқиқотчи ижодида намоён бўлиш хусусиятлари, хотира, диққат, тасаввур.

**Аннотация:** В статье исследуются мысли об интуитивном синергетическом мышлении, творчестве, научном творчестве, интуиции и синергетическом анализе ее проявлений. Представлены взгляды древнегреческих философов Пифагора, Гераклита, Платона на эту тему, научные взгляды французского философа Анри Бергсона.

**Ключевые слова:** научное творческое познание, интуитивное синергетическое мышление, научная интуиция и особенности ее проявления в творчестве исследователя, память, внимание, воображение.

**Annotation:** The article explores thoughts about intuitive synergistic thinking, creativity, scientific creativity, intuition and synergistic analysis of its manifestations. The views of the ancient Greek philosophers Pythagoras, Heraclitus, Plato on this topic, the scientific views of the French philosopher Henri Bergson are presented.

**Key words:** scientific creative knowledge, intuitive synergetic thinking, scientific intuition and features of its manifestation in the researcher's work, memory, attention, imagination.

Инсон доимо оламнинг тузилиши, ундаги мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини билишга интилиб келган. Илмий билимларни эгаллаш жараёнида илмий хизматчи кутилмаганда, тасодифан ахборотлар чекланган бир шароитда тез қарор қабул қилиш зарур бўлганда, ўз қарорини “олдиндан сезгандай”, “айнан шундай қилиш лозимдек” қабул қиладиган ҳолатлар учрайди. Бундай ҳолатлардан бирини биз илмий интуиция деб атаймиз. Тадқиқотчи ижодида интуиция – чин билимларни ҳосил қилишнинг ўзига хос йўли, билишнинг мураккаб феномени ҳисобланади.

Фанда узоқ давр интуитив синергетик билишнинг механизми маълум бўлмади. Айни пайтда оламни билиш мураккаб ва серқирра жараён.

Бугунги кунда тезкор ахборотлар алмашинуви жараёнида илмий муаммоларни интуитив синергетик таҳлил қилиш муҳим. Илк бор оламни билишда олимлар дастлаб ҳиссий билиш ва ақлий билишга кўпроқ эътиборларини қаратишган, улар ҳиссий ва ақлий билиш орқали нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг бир бирига боғлиқ эканлигини, фарқли хусусиятларини англаш мумкин, деб ҳисоблашган, эндиликда нафақат ҳиссийликдан ақлий билиш томон, балки амалиёт, тажриба орқали илмий назарияларни яратиш ҳам сир бўлмай қолди. Назаримизда, изланувчининг ақлий фаолияти чизикли ва нозикли тафаккурга бой, илмий муаммо ҳақидаги мураккаб тасаввурлардан тортиб хаос ҳолатида назарияларни ҳам учратиш мумкин. Билиш жараёни узлуксиз, танаффус ва тасодифларга ҳам асосланиши мумкин. Ижодий жараённинг ривожланиши тафаккур тарзининг ўзгаришига боғлиқ. Синергетик тафаккур ўзгаришларнинг ортиб бориши билиш жараёнининг маълум босқичга эга бўлишини белгилайди. Ривожланган янгича синергетик тафаккур билиш жараёнининг босқичларида ўзгариб боради. Шу боис илмий ижодий жараён нисбатан секин, узлуксиз давом этсада, унда синергетик тафаккурлаш жараёни тасодифларга, нозикли йўналишларга, турли туман ғоя ва назарияларга бой бўлади. Шу билан бирга синергетик тафаккур ўзида яхлитликни, уйғунлик хусусиятини ҳам касб этади. Илмий ижодий интуиция изланувчи онгида содир бўладиган бурилиш нуқтаси, тараққиёт занжиридаги зарурий халқа вазифасини бажаради. Шундай экан, билиш жараёнида синергетик тафаккур изланувчида илмий билим ва амалий куниқма учун катта аҳамиятга эга. Бу ёндошув объектив дунёнинг ривожланиш жараёнини тўлиқ англаб етиш, объект ва уни ўраб олган ҳодисалар ҳақида яхлит билимга эга бўлиш, интуитив синергетик тафаккурни англаш ва ундан соҳани янада ривожлантиришда фойдаланиш имконини беради.

Француз олими Анре Бергсоннинг илмий интуиция концепциясига кўра “илмий интуиция ёрдамида изланувчи олим объектнинг моҳиятига кириб боради, интуиция замон ва маконга боғлиқ бўлмаган у ёки бу тизимни вужудга келтирувчи ўзига хос ички импульсдир.” Деб баҳолайди. Келтирилган мулоҳазада кўриш мумкинки, илмий билимни эгаллаш жараёнида изланувчининг соҳага оид иштиёқи, синергетик хотираси, объектга қаратилган диққат эътибори, фаҳмлай олиши билан боғлиқ бўлган ҳолатда интуитив синергетик ёндошуви намоён бўлади.

Назаримизда илмий билимни эгаллаш жараёнида соҳага оид илмий тушунча ва категориялар мазмунини тўлиқ англаб етиш, изланувчидан у ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, зарур маълумотларни хотирада сақлаш, бирламчи ва бирламчи бўлмаган жиҳатларга диққат эътибор қилиш ҳам нозик фаҳм фаросат каби принципларга амал қилиш ижодкорда рационал ва иррационал тафаккурни шакллантиришга замин яратади. Илмий билимни эгаллаш жараёнида хотиранинг аҳамиятига эътиборни қаратсак, у инъикос этилган нарса ва ҳодисаларни ёки

ўтмиш тажрибаларини эса қолдириш ва зарур бўлганда тиклашдан иборат руҳий жараён сифатида баҳоланади.

**Математика тадқиқотчи онгида интуитив синергетик тасаввурларни шакллантиради.** У кичик нуқтадан тартиб, чексиз коинот сари олимни илм сари етақлар экан, оламда мавжуд тартиб ва тартибсизликнинг диалектик муносабатни яхлит тизимга солган синергетик назария ва ғояларни шакллантиради. Шу нуқтаи назардан, мазкур хулосага қуйидаги формулани келтиришимиз мумкин:

**Рақамлар+ илмий интуиция = синергетик тафаккурни келтириб чиқаради.**

Юнон файласуфи Гераклит қарашларида интуитив синергетик тафаккур тадқиқотчи онгида рўй бераётган ёки рўй бериши мумкин бўлган воқеа ҳодисаларнинг бир-бирига таъсири натижасида юзага келадиган ҳосилалар ҳақида фикрлар мавжуд. Бунда биз **интуиция кишида нафақат башоратчиликни, балки юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришини** кўришимиз мумкин. Маълумки, ахлоқ ижтимоий ҳодиса, ижтимоий муаммо ўз ичига табиий-илмий муаммоларни қамраб олади ва бунда қуйидаги формула келиб чиқади:

**Ижтимоий онг +Ахлоқий ҳис туйғулар= интуитив синергетик тафаккурни ривожлантиради.**

Платон ва А.Бергсон қарашларида замон ва маконга боғлиқ бўлмаган чексизлик, мавҳумлик ҳақида сўз боради. Бизнинг назаримизда илмий интуиция нафақат фикрлаш, балки ҳис қилиш ҳамдир ва бунда хотира, диққат, фаҳм фаросат тушунчаларининг узвийлигини кўриш мумкин. Айтиш жоизки, илмий хизматчидаги хотира унинг эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ, изланувчи ўзига зарур бўлган нарса ва ҳодисаларни хотирасида сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Илм фан оламида олимлар эришган ютуқлар, кашфиётлар **ўрганилаётган объектга нисбатан эҳтиёж, иштиёқ ва хотирада сақланиб қолиниши оқибатида объектнинг моҳияти фаҳмлаб олиниши мантиқан асосли.** Мазкур мулоҳазадан айтиш мумкинки, объект ҳақида билимларнинг узвийлиги ва яхлитлиги офецерда илмий интуитив тафаккурнинг шаклланишига имкон яратади ва қуйидаги формула асос бўлади:

**Илмий методика+ўрганилаётган объектга нисбатан билим, эҳтиёж+зарур билимларни хотирада сақлаш+интуитив синергетик тафаккурни ҳосил қилиш имконини беради.**

REFERENCES

1. Бергсон А. Творческая эволюция. М.-СП. 1914 - с. 159;
2. Nadirova, Z. P. (2021). Intuition and synergetics in the world of mathematics. Scientific reports of Bukhara state university, 5(4), 18-28.
3. Надилова, Зоира Паяновна ИНТУИЦИЯ И СИНЕРГЕТИКА В НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЯХ // ORIENSS. 2023. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/intuition-and-synergetic-in-scientific-research> (дата обращения: 13.02.2023).
4. Надилова Зоира Паяновна. (2022). Интуиция и синергетика. Евразийский научный вестник , 7 , 243–246. Получено с <https://www.geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/1198>.
5. Nadirova, Z. P. (2022). MEMORY IN THE PROCESS OF SCIENTIFIC RESEARCH AND THE ROLE OF BREAKS IN IT. Scientific reports of Bukhara State University, 2022(1), 93-103.
6. Паяновна Н.З. кандидат философских наук, доцент Каршинского филиала ТУИТ, независимый научный сотрудник. НАУЧНЫЕ ОТЧЕТЫ БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА , 93.
7. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Khasanov, M., Sultonov, S., & Kushakov, F. (2022). PROBLEMS OF INFLUENCE OF ISLAM ON CONSCIOUSNESS TRANSFORMATION. Academic research in educational sciences, 3(10), 591-597.
10. Baratov, R., Nuriddinov, S., Tokhtaboev, E., & Achilova, G. (2022, June). " One belt-one road" initiative-as a modern transport logistics. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030058). AIP Publishing LLC.
8. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Х., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. World scientific research journal, 8(1), 102-108.
9. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Х., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрнийёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10), 376-386.
10. Джуманиёз Раматов, Розигуль Умарова, Рашид Баратов, Миршод Хасанов, Сиродж Султонов, Файзулла Кушаков ПРОБЛЕМЫ ВЛИЯНИЯ ИСЛАМА НА ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЗНАНИЯ // Академические исследования в области педагогических наук. 2022. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-influence-of-islam-on-coding-transformation> (дата обращения: 31.01.2023).
11. Hasanov M., Tuhtaboev E. THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS) //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 1-6.
12. М.Н.Хасанов, Д.А.Ҳафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-

- ТАРБИЯ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 137–140.  
Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>
13. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sultonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 582-586.
  14. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 969-976.
  15. Рамаатов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1070-1078.
  16. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. *World scientific research journal*, 9(2), 37-42.